*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
**28 май**
ЧОРШАНБА
**№ 43** (12679)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Илк танлов

## НАВҚИРОНЛИК ШИДДАТИ ЯРАШГАНЛАР

**Паркентлик Гулбаҳор Руҳиддинова эндигина 22 ёшда. Шунга қарамай, бир касбнинг этагидан тутишга, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга улгурган. Ўтган йили "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" кўрик-танловининг республика босқичида ғолиб бўлиб, 45 миллион сўм имтиёзли кредит олишга эришди. Ҳозир "Баҳор илҳоми" корхонаси раҳбари сифатида 30 га яқин ишчиларга бош.**

– Очиғи, тадбиркорлик билан шуғулланиш ниятида қайси идорага бормай, бирон марта "йўқ" деган жавобни эшитмадим, – дейди у. – Кредит эвазига 20 та тикув машинаси сотиб олдим. Кичкинтойлар учун янгича дизайнда бежирим либослар тикаяпмиз. Маҳсулотларимизни чет давлатларга экспортга чиқаришга улгурдик. Ҳозир корхонамизда 55 нафар коллеж битирувчиси ўқув-амалиётини ўтаяпти.

Гулбаҳор бу йил илк марта ўтказилган "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танловининг вилоят босқичида тадбиркорлик йўналиши бўйича ғолиб бўлди. Шу куни танловда иштирок этиш учун шаҳар ва туманлардан 74 нафар мутахассис Ўрта Чирчиқ туманидаги вилоят Маънавият ва маърифат марказига йиғилишди.




– Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган дастурнинг ижросини таъминлаш мақсадида мазкур танлов ташкил этилди, – деди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим бошлиғи Руслан Раҳмонов. – Уни ўтказиш асносида ёш ва иқтидорли мутахассисларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш, касбий маҳорати ва билим даражасини ошириш, шунингдек, ёшларнинг касбий алоқаларини мустаҳкамлаш ва ўзаро тажриба алмашувини ривожлантириш, ўзлари танлаган соҳага ҳурмат ва фахр туйғусини юксалтириш мақсадлари кўзланди. Бунинг учун турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган 30 ёшгача бўлган фаол ёш мутахассислар жалб қилинди.

(Давоми 3-бетда).

Маънавият

**Ўтган йили дала ҳовлимизга кўчиб ўтдик. Эрта тонгдан боғимиз атрофи гавжум, янги кўчиб келган қўшнимиз ҳашар бошлаб юборган экан. Андижонлик Ғайратжон укаларини ёнига олиб, бир ҳафта мобайнида эски уйни таъмирлади. Томорқасига турли экинлар, янги ниҳоллар экди.**

## ТУБАНЛИК БОТҚОҒИГА БОТМАНГ

Кенггина супа ва молхона қурди. Мен қўшнининг ғайратига қойил қолардим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Ғайратжон ана шу мўъжазгина боғидан ва чорвасидан дурустгина даромад топа бошлади. Мен ўғлимга Ғайрат акасига ўхшаб меҳнат қилса, ҳаётда қоқилмаслигини уқтириб турардим. Рости, унга ва укаларига ҳавасим келди. Укалари акаси йўриғидан чиқмас, унинг ҳурматини жойига қўйишарди. Кези келса, боғдаги баъзи ишларимизга сидқидилдан қарашиб юборишарди.

Кунлардан бир куни Ғайратжон менга маъноли боққанча:

– Опа, бир гап айтсам хафа бўлмайсизми? – деб қолди.

(Давоми 4-бетда).

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИДАН БОШЛАНАДИ

**Инсон ҳуқуқлари ҳақида сўз борар экан, энг аввало бола ҳуқуқлари кўз олдимизда гавдаланади. Зеро, инсон шахсияти айнан боликда шаклланади ва тобланади. Бола ҳуқуқлари таъминланган жамиятдагина келажакнинг чинакам ворислари камол топади.**

"Дунёда болам деб яшайди ўзбек", деган пурмаъно гапнинг мағзини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Фарзандларнинг камоли ва бахту-саодати учун ўзбек халқи ҳар қандай синовларга бардош беради. Ўзи емай фарзандларига едиради, ўзи киймай фарзандларига кийдиради. Ўғлини уйлантириб, қизини турмушга беради, уйли-жойли қилиб, бурчини адо этганидан кейин ҳам тиниб-тинчимайди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунларданоқ "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилди. Мамлакатимизнинг Халқаро болалар жамғармаси – ЮНИСЕФга аъзо бўлиши (1994 йил 20 март) болаларни ҳар томонлама ҳимоя қилишда катта аҳамият касб этди. Бугунги кунга келиб жамғарма республикамиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ЁШЛАРГА ДОИР ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА ОИЛА МАСЪУЛИЯТИ

**Мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 1991 йилдаёқ "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган эди. Шунингдек, мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди.**

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Қонунларида, шунингдек, қатор кодексларда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари алоҳида эътиборга олинган: Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Жиноят кодекси, Меҳнат кодекси, Уй-жой кодекси, Оила кодекси ва бошқалар. Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва тегишли вазирликларнинг қатор қўшма қарорлари ва Низомлари ишлаб чиқилган.

(Давоми 3-бетда).

Семинар

## КУЗНИНГ БАРАКАСИ БУГУНГА БОҒЛИҚ

**Ғўза ниҳоллари шоналаш даврига кирди. Мутахассислар ниҳоллар ривожининг бу босқичида минерал ўғитлар билан озиқлантирилиши эртаки ва мўл ҳосил тўплашга замин яратишини таъкидлайдилар. Ушбу агротехник тадбирнинг долзарб аҳамияти эътиборга олинган ҳолда пахтакор туманларда парваришланаётган ғўза ниҳолларини шоналаш даврида азотли минерал ўғитлар билан бир маротаба озиқлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Уларда мазкур тадбирни тез ва сифатли ўтказилишини таъминлаш борасидаги барча муҳим ишлар белгиланган. Ўрта Чирчиқ туманида шу масалага бағишланган вилоят семинари бўлиб ўтди.**

**Семинарни вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов бошқарди.**



Семинар ишида туманлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, вилоят бошқармалари мутасаддилари, Ички ишлар вазирлиги ва вилоят бошқармаси вакиллари, "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси ва вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамияти мутахассислари, фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Иштирокчилар "Кучлук" туманлараро филиали базасида амалга оширилаётган ишлар, жумладан, минерал ўғитларни қабул қилиш, жойлаштириш, сақлаш, фермер хўжаликларига "омбор – транспорт – дала" тизимида етказиб бериш ва бу жараённи расмийлаштириш тартиблари билан танишдилар.

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Гулбаҳор" фермер хўжалиги шийпонида дала шароитида ғўза ниҳолларини озиқлантириш, культиваторларни созлаш, ўғит меъёрларини белгилаш, суспензия сепиш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича кўрик ўтказилди.

Семинар якунида ғўза агротехникаси борасидаги бугунги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

**Маъмурожон БОЗОРАЛИЕВ.**
**Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.**

Хайр, мактаб, салом, коллеж!

**Вилоятимиздаги 879 умумтаълим мактабларида яна бир ўқув йили ниҳоясига етди.**

**Бу йил ўрта мактабни якунлаган 41 минг 446 нафар битирувчилар энди ўқишни академик лицей ва коллежларда давом эттиришади. Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, шаҳар ва туманлардаги 100 дан ортиқ лицей ва касб-ҳунар коллежларида ёшларимизнинг ўзлари хоҳлаган ва қизиққан касбни эгаллашлари ва билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.**

## БЕҚИЁС ИМКОНИЯТЛАР ОСТОНАСИДА



Янгийўл туманидаги 44-умумтаълим мактабида ҳам "Хайр, мактаб, салом, коллеж!" шиори остида ўтган тадбир ўзига хос байрамга айланиб кетди. Майдон бўйлаб саф тортган ўқувчилар қаршисида турган битирувчилар қандайдир ҳаяжон ва ўзига хос кайфиятда. Албатта, улардаги бундай кайфиятни тушуниш мумкин. Кечагина мактаб партасидан жой олган болалар бугун 9-синфни битириб, ҳаётнинг янги босқичига қадам қўймоқда.

– Аввало мамлакатимизда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан таълим ривожига, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказиш масаласига берилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик учун бутун педагогларимиз номидан миннатдорчилик билдирмоқчиман, – деди мактаб директори Нажмиддин Жўрабоев. – Буни биргина бизнинг мактабимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларимиз замонавий компьютер ва бошқа технологиялар билан жиҳозланган синфларда чуқур билим олишларига хизмат қилмоқда. Шунинг учун 81 нафар битирувчиларимиз аллақачон ўзлари танлаган касб ва таълим йўналиши бўйича қайси коллеж ва лицейда ўқишни давом эттиришни белгилаб олишган.

Мактабларда "Хайр, мактаб, салом, коллеж!" шиори остида ўтган тадбир замирида катта маъно бор. Зеро, кечаги ўқувчилар энди коллежларда таълимни давом эттириб, касб-ҳунар эгаси бўладилар. Уларнинг яна бир қисми билим олишни академик лицейларда давом эттиради.

Энг муҳими, мактабларни битирган биронта ҳам ўқувчи эътибордан четда қолмайди.

...Шу куни вилоятимизнинг барча ўрта таълим муассасаларида бундай тадбирлар кўтаринки руҳда ўтди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТДА:** Янгийўл туманидаги 44-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Яна тўловлар ҳақида

## СУД ИЖРОЧИСИ ЭШИК ҚОҚҚАНДА

– ***Ижрочилар огоҳлантириб кетишди.***
– ***Суддан қоғоз ташлаб кетишибди...***

**Бироз ҳадик, баъзан надомат билан айтилган бу гаплардан сўнг ҳам лоқайдлик сабаб қўшимча муддат яна ўтказиб юборилади. Хизмат юзасидан ундирувга келган ижрочилар нохуш кайфиятда қаршиланади.**

Пойтахтдаги баъзи мавзеларда электр энергияси учун олдиндан пул тўланади. Сиз қувват манбаидан маблағингизга яраша фойдаланасиз, лимитингиз тугаши билан қай ҳолатда эканингиздан қатъи назар, таъминот узиб қўйилади. Бизда эса аксинча. Коммунал

(Давоми 2-бетда).

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

## ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАЙДИ



**Бугун вилоятимизнинг қай бир гўшасига назар солманг, тобора гуллаб-яшнаётганининг гувоҳи бўласиз. Одамларнинг ҳаётдан мамнунлиги, улар юзидаги табассум аввало, юртимизнинг тинчлиги, қолаверса, давлатимизнинг фуқароларга кўрсатаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлигидан. Айниқса, Республика Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ошириш дастури тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорлари вилоятимиз шаҳарсозлигининг янги босқичга кўтарилишида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг янада ривожланишида, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлаётир.**

Бир сўз билан айтганда, вилоятимиз айни кезларда чинакам қурилиш майдонига айланди. Ривожланиш бор жойда арзимас камчиликлар учраши табиий ҳол, албатта. Лекин баъзи ҳудудларда бундай камчиликларнинг кўпроқ экани ташвиш уйғотмоқда.

Хусусан, Ангрен шаҳрининг Толбулоқ (собиқ Красногорск) шаҳарчасида ечимини кутаётган муаммолар анчагина экан. Хусусан, ёшларни ижтимоий фойдали меҳнат билан банд қилиш иши эътиборталаб. Масалан, Ангрен иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи мутасаддилари тақдим этган маълумотларга кўра, ўтган йили коллежни тамомлаган ёшларнинг 102 нафари толбулоқлик бўлиб, шундан 15 нафар битирувчи умуман ишга жойлашмаган. 41 нафари эса, бир йил ўтмай турли сабабларга кўра ишдан бўшаган.

(Давоми 2-бетда).

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИДАН БОШЛАНАДИ

Аслида ҳам ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги фаолияти болалар ва уларнинг оилалари ҳаётини яхшилашга қаратилган бўлиб, юқори сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш, хусусан, оналар саломатлигини яхшилашга кўмаклашиш, болалар ўлимини қисқартириш, юқори сифатли бепул бошланғич ва ўрта таълим олиш, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ўз фикр-мулоҳазаларини эркин ифода этиш каби ҳуқуқларни амалга оширишда катта ёрдам бериб келаяпти.

Бу йил Халқаро болалар жамғармаси – ЮНИСЕФ фаолият кўрсатаётган 123 та давлатда "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция қабул қилинганлигининг 25 йиллиги кенг нишонланади.

Республикамизда "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинганлиги ва жорий йилни мамлакатимизда "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши ва бу борада қабул қилинган Давлат дастурида кўрсатилган 7 та йўналишдаги 125 та тадбирлар ижросининг таъминланиши муштарак мақсадлар йўлидаги саъй-ҳаракатлардир.

Президентимиз бошчилигида шу мақсадда узлуксиз таълим тизими яратилиб, иқтисодиётимизнинг барча соҳалари учун олий ва ўрта махсус билимга эга бўлган кадрларни тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлаш йўлга қўйилган. Бош Қомусимизга кўра, фуқаролар билим олишда жинси, тили, ёши, ирқи, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, тураржойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади. Билим олиш ҳуқуқини бирон бир шаклда чеклаш тегишли жавобгарликни келтириб чиқаради. "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳужжатларида бошқа давлат фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам республикамизда билим олишлари мумкинлиги назарда тутилган. Жисмоний имконияти чекланган айрим фуқароларнинг ҳам билим олиш ҳуқуқлари тўла ҳимояланган. Кўзи ожиз, эшитиш қобилияти паст, турли даражада ногирон фуқаролар билим олишига мўлжалланган махсус таълим муассасаларининг фаолият юритиб келаётганлиги фикримиз исботидир.

Бир ниҳолни мева берадиган, соя соладиган дарахт даражасига етказиш учун қанчадан-қанча машаққат чекиш лозимлигини ҳамма яхши билади. Бироқ, бола тарбияси бундан-да масъулиятли эканлигини ҳамма ҳам бирдай билавермайди. Болани тарбиялаш оиланинг бахтсаодатига, жамиятнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, болаларга кўп эътибор беришни, айниқса, уларни ўсмирлик даврида назоратсиз қолдирмасликни талаб этади. Чунки, ўсмирлик инсон умрининг мураккаб, шу билан бирга масъулиятли даври ҳисобланади. Бу даврда уларнинг ғайрати танасига сиғмайди, ҳар жабҳада ўзини кўрсатишга, тенгдошларидан устун бўлишга интилади. Донишмандлар ўсмирлик даврини бекорга бўй чўзаётган ниҳолга қиёслашмайди. Ниҳолнинг қандай униб ўсиши боғбонга боғлиқ бўлганидек, ёшлар камоли ҳам катталарга, яъни оила, маҳалла-кўй, қолаверса, таълим муассасаларида олиб борилаётган ўқув-тарбия ишининг сифатига боғлиқ.

Ўта қизиқувчанлик, қизиққонлик баъзан ўсмирларнинг хато қилиб қўйишларига ҳам сабаб бўлади. Шу боис, уларнинг қадам олишларини назорат қилиш, вақти-вақти билан тергаб ҳам туриш фойдадан ҳоли эмас. Бу, аввало, ота-она, таълим муассасалари, шунингдек, қўни-қўшни ва маҳалла-кўй зиммасидаги вазифадир. Бола тарбияси билан жамиятнинг ҳамма институтлари, ҳар бир фуқаро ҳамиша ва ҳар доим шуғулланиши лозим.

Болаларига қараб миллатнинг бугунги даражаси ва келажагини билса бўлади. Фарзандлари соғлом юрт ҳамиша навқирон бўлади. Шунингдек, улар соғлом бўлиш билан бирга тўғри тарбия олсалар, меҳнатга, касбга, илм-маданиятга, одоб-ахлоққа, ҳалолликка ўргансалар, ўтган аждодлари қолдирган меросдан баҳраманд бўлсалар, бу юрт, бу миллат ҳеч қачон таназзулга юз тутмайди.

**Барно ЖАББОРОВА, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси вилоят бўлими раиси, вилоят Кенгаши депутати.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биоусул

# ҲОСИЛ ҲИМОЯЧИЛАРИ ҲУЗУРИДА

**Бекобод туманида жойлашган Б. Мирзакаримов номли биофабрика вилоятимиздаги энтомофаглар (экинларни зарарли ҳашаротлардан асровчи жонзотлар) ишлаб чиқарувчи йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Унга қарийб 10 йилдан буён тажрибали биолог-агроном Ўктам Бердиев раҳбарлик қилади.**



Биофабрика ўтган йили ғалла ва пахта етиштирувчи 370 та фермер хўжалиги билан шартнома тузиб, 36,3 миллион дона олтинкўз, 10 миллион дона габрабракон ва 118,3 килограмм трихограмма етказиб берди. Жами 456,5 миллион сўмлик биомаҳсулот сотилиб, 134 миллион сўм соф фойда кўрилди. Туманнинг 14 123 гектар ғалла ва 15 679 гектар пахта майдонларида етиштирилган ҳосил зараркунанда ҳашаротларга ем бўлишдан асраб қолинди. Шунингдек, фермер хўжаликларининг нархи осмонда бўлган заҳарли дорилардан фойдаланишларига ҳожат қолмай, ортиқча харажатларга барҳам берилди. Энг муҳими, мутлақо хавфсиз бу усул ёрдамида далада ишловчиларнинг саломатлигига таҳдидларнинг олди олинди.

– Бу йил 375 та фермер хўжалиги билан 14 373 гектар ғалла ва 17 910 гектар пахта майдонига биомаҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома тузганмиз, – дейди Ў. Бердиев. – Ғаллазорларга белгиланган муддатларда гектарига 500 донадан 7,8 миллионта олтинкўз қўйиб чиқдик. Натижада кузги буғдойнинг бирор гектари ҳам ҳашаротларга ем бўлмай, тўлиқ бошоқлаб, етилиш арафасида турибди.

Шуни айтиш керакки, корхона бу йилдан бошлаб биомаҳсулот тайёрлашда янги технологияни жорий эта бошлади. Илгарилари олтинкўзни уруғлатиш жараёнида олма қоқиларидан фойдаланилар, бунда қўшимча озуқалар ҳам берилиши зарур эди. Эндиликда эса олимлар тавсиясига кўра, фақат арпа донидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Чунки унинг таркибида дон куяси тухумлари бўлиб, у олтинкўз учун яхши озуқа ва уруғланишга қулай ҳисобланади. Арпа донининг эса нархи ҳам арзон, топилиши ҳам ўнғай.

– Янги технологиянинг жорий этилиши билан олтинкўз ишлаб чиқариш ҳажмини 15-20 фоизга ошириш имконияти яратилди, – суҳбатни давом эттирди корхона раҳбари. – Шунга кўра, бу йилги мавсумда 54,2 миллион дона олтинкўз етиштиришни режалаштирганмиз. Шунингдек, фермерларга 141 килограмм трихограмма ва 47 миллион дона габрабракон етказиб берамиз. Ушбу мақсадимизни амалга ошириш учун Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда қабул қилган "2014 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунандалар, касаллик ва бегона ўтлардан уйғунликда ҳимоя қилиш тадбирларини сифатли ўтказиш чоралари тўғрисида"ги дастури асосида иш юритаяпмиз. Натижада, ғўза зараркунандаларига қарши кураш учун етарли миқдорда биомаҳсулот захирасини яратиб бораяпмиз.

Ҳозирги кунда биофабрикага 7 та автомашина ажратилган бўлиб, фермер хўжаликларининг буюртмаларига асосан биомаҳсулотлар даланинг ўзига етказиб берилмоқда. Шира, трипс каби сўрувчилар тушиши эҳтимоли бўлган айни пайтда фермерлар олтинкўзга кўпроқ буюртма бермоқдалар. Кўсак қурти уруғига қарши трихограммалар ҳам ҳозирданоқ далаларга тарқатилмоқда. Чунки, бу энтомофагни мавсум давомида гектарига бир граммдан 7-9 марта қўйиб чиқишга тўғри келади.

Биз биофабриканинг тажрибали мутахассислари Шукурали Бургутбоев, Абдуали Холиқулов, Бердиқул Искандаровлар етакчилик қилаётган 3 та цехида бўлиб, Ҳамида Аҳмедова, Муаззам Алибоева, Мўътабар Нурматова каби техник лаборантларнинг ишини кузатдик. Улар сифатли биомаҳсулот тайёрлаш ва ҳосил кушандаларига қарши кураш йўлида жонбозлик кўрсатаяптилар. Аҳил жамоани нафақат экин ҳимоячилари, балки деҳқонларнинг энг яқин мададкори, мўл ҳосилга пойдевор яратувчилар, дея таърифлашга жазм қилдик.

**Каримқул МАВЛОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Қарор ва ижро

# МАҲСУЛОТИГА ТАЛАБ ОШМОҚДА

**Вилоят саноат салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқариш тури ва ҳажмини ошириш ҳисобига аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини янада яхшилашда республика Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.**

Мазкур қарор ва вилоят ҳокимининг топшириқлари асосида ишлаб чиқилган дастурга асосан Бўка туманида ҳам белгиланган вазифалар изчил рўёбга чиқарилмоқда. Хусусан, ўтган 2013 йил мобайнида белгиланган 8 та ўрнига 11 та лойиҳа амалга оширилиб, 70 та янги иш ўринлари яратилди.

– Дастурга мувофиқ, саноат ва қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган умумий қиймати 365 минг 800 АҚШ долларилик 16 та лойиҳани татбиқ этиш ҳисобига 386 та янги иш ўринлари яратишни режалаштирганмиз, – дейди туман ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Мурод Суннатуллаев. – Умумий қиймати 101 минг 900 долларлик бу йилги 4 та лойиҳа ишлари аллақачон бошлаб юборилган. Булар амалга ошса, 300 дан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

"Тошлоқ" маҳалласида жойлашган тўрт хил турдаги шпатлевка ва кафель плиткалари учун елим ишлаб чиқараётган "Droobid Biznes" масъулияти чекланган жамияти ана шундайлардан. МЧЖ 5 та ходим билан иш бошлаган бўлсада, айни вақтда ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ҳисобига жамоада 13 нафар маҳалла ёшлари меҳнат қилмоқда.

– Вилоятимизда қурилишларнинг кенг қулоч ёйиши маҳсулотимизга бўлган талабни кескин оширди, – дейди МЧЖ раҳбари Азимжон Аҳроров. – Ўтган йили 300 тонна маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, жорий йил бу кўрсаткични 400 тоннадан оширишни режалаштирдик. Боиси, маҳсулотларимизга буюртмалар ошиб бормоқда.

Айни пайтда жамиятда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар пойтахт ва Ангрен, Бекобод, Олмалиқ шаҳарлари ҳамда Бекобод, Бўка, Оққўрғон, Оҳангарон, Пскент, Қуйи Чирчиқ туманларига сотилмоқда. МЧЖ раҳбарининг таъкидлашича, бу йил "MAN" русумли юк машинаси харид қилишни режалаштирган. Режа амалга ошса, маҳсулот етказиб бериш хизмати йўлга қўйилиб, яна бир нечта ёшлар иш билан таъминланади.

**Аваз БЕКОВ.**

**Президентимизнинг 2013 йил 13 мартдаги "Республикада 2013-2015 йиллар давомида узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Паркент туманида ҳам боғ ва токзорлар барпо этиш амалга оширилмоқда.**

# ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ



Тўғри, лалми майдонларда, тоғ ён бағирларида ток, мева боғлари барпо этиш мушкул. Лекин жаҳон андозаларидан келиб чиқиб токзор ва мева боғларини томчилатиб суғориш йўлга қўйилаяпти.

USAID (Америка Қўшма Штатлари халқаро ривожлантириш агентлиги) томонидан молиялаштирилаётган Aglinks plus лойиҳаси бўйича томчилатиб суғоришнинг афзалликлари борасида ўтган семинар ҳам соҳа мутахассислари учун фойдали бўлди.

**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

2014 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда.
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетаси обуна индекси – 205.

Яна тўловлар ҳақида

# СУД ИЖРОЧИСИ ЭШИК ҚОҚҚАНДА

тўловлар борасида аҳоли учун қатор имтиёз ва имкониятлар яратилган. Таъминотдан истаганча фойдаланиш мумкин. Хизмат ҳақини тўлашга эса етарлича муддат берилади. Шуни ҳам суиистеъмол қилаётган фуқаролар билан суд ижрочилари гаплашишларига тўғри келаяпти.

Паркент тумани суд ижрочилари бўлимига истеъмол қилинган ичимлик суви учун ўз вақтида тўланмаган жами 14 та 9 миллион 488 минг сўмлик қарздорлик ҳужжати келиб тушган. Мажбурий ҳаракатлар давомида 5 та иш бўйича 3 миллион 100 минг сўм ундирилган. Туман электр тармоқлари корхонаси фойдасига жами 14 миллион 807 минг сўм қарзни ундириш билан боғлиқ 44 та ҳужжат қабул қилинган. Шундан 10 миллион 329 минг сўмлик 35 та ҳужжатнинг ижроси тўлиқ таъминланган.

Инсон табиати ғалати. Кўп неъматларнинг қадрини фақат ундан айрилгачгина англаб етади. Бетобликда саломатликнинг қадрига етганимиздек, ташналик пайти бир хўплам сув ҳар қандай дуру жавоҳирдан қимматли эканлигини тушуниб етамиз. Бироқ, шундай улуғ неъматларни борида қадрлаб, исроф этилишига йўл қўймай, тежамкорлик билан ишлатишимиз даркорлиги кўпчиликнинг хаёлига келмайди.

Фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ учун тўловларни ўз вақтида тўламаслик оқибати яхшиликка олиб келмайди. Йиғилиб қолган қарзларни мажбурий тартибда суд ижро бўлимлари орқали ундирилиши билан бир қаторда коммунал хизматлар фаолиятини вақтинчалик, яъни мавжуд қарздорлик қоплангунга қадар тўхтатиб қўйилади.

Яқинда табиий газ ҳақини ўз вақтида тўламаган лоқайд кимсалар билан ҳисоб-китоб қилишга тўғри келди. "Паркенттумангаз" унитар корхонасидан жами 191 миллион 963 минг сўм қарзларни мажбурий тартибда ундириш юзасидан 530 та ижро ҳужжати жўнатилган. Саъй-ҳаракатлар натижасида 283 та иш бўйича 92 миллион 328 минг сўм ундирилишига эришилган.

Бундан ташқари, табиий газдан 99 миллион 635 минг сўм, электр энергияси бўйича 4 миллион 478 минг сўм, ичимлик суви учун ўз вақтида тўланмаган 6 миллион 388 минг сўм қарзларни ундириш юзасидан туман суд ижрочилари бўлими суд ижрочиси, 3-даражали юрист Наргиза Эргашева томонидан мажбурий ижро ҳаракатлари ташкил қилинаяпти. Бунда қарздорларнинг яшаш манзилига борилиб, уларга тегишли мол-мулклар мажбурий тартибда хатланмоқда. Шунингдек, қарздорларнинг олис қишлоқлардан туман суд ижрочилари бўлимига келишдаги вақти ҳамда харажатларини тежаш мақсадида қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларида тўловларни қабул қилиш йўлга қўйилган. Шуниси эътиборлики, мазкур рейд ва мажбурий ижро ҳаракатлари давомида маҳалла фаоллари билан ҳамкорлик қилинаяпти.

Хисорак қишлоғи ҳудудида ташкил қилинган рейдлар давомида жами 9 та ҳужжат бўйича 4 миллион 443 минг сўм тўлаттирилди. Улуғбек кўчасида яшовчи Алимардон Мансуров (296 минг сўм), Ёртепа кўчасидаги Миролим Мирсобитов (284 минг сўм), Чанги қишлоғилик Баҳодир Орзиматовнинг (253 минг сўм) қарзи ундирилди. Шуниси ачинарлики, бу фуқаролар энг ашаддий қарздорлар ҳисобланишган. Маҳалла-кўй аралашуви билангина қарзларини тўлатишга тўғри келди.

Заркент қишлоғи бўйича 5 миллион 670 минг сўм қарзларни ундиришда ҳам "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунга амал қилинди. Т. Ризаев маҳалласида яшовчи Раҳматилла Холбоев ҳам қонун билан ҳазиллашгиси келмади чоғи, суд ижрочилари огоҳлантируви билан 451 минг сўм қарзини тезда тўлаб қўйди.

**Камолиддин НУРМАТОВ, туман суд ижрочилари бўлими бошлиғи, катта суд ижрочиси.**
**Хуршида НАЗАРОВА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

# ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАЙДИ

Ҳудудда коммунал хизмат кўрсатиш бўйича ҳам муаммолар бор. Аҳоли электр қуввати узилишларидан безор.

– Бир кунда чироқ 7 марта ҳам ўчадими?! Кеча айнан шундай бўлди, – деди пенсионер Ғанишер Содиқов. – Олдиндан огоҳлантиришса бўладику. Биз ҳам шунга тайёр турамиз.

Нигина Назирова 16 йилдан бери Улуғбек кўчаси, 9-уйда яшайди.

– Ёзда сув бўлмаслиги чатоқ, – деди у. – Кўп қаватли уйларга ичимлик суви эрталаб ва кечқурун бир соатдан берилади. Аҳоли ҳам бундай шароитга аллақачон кўникиб қолган.

– Мен 28-уй, 15-хонадонда яшайман, – деди Гулнора Абдураҳмонова. – Қишда ертўлаларни сув босиб кетади.

– Ширкатга доим пул тўлайман, – деди Раиса Муратова. – Лекин шунга қарамай, томдан чакки ўтишидан безор бўлдик. Ширкатга мурожаат қилсак, раҳбар ишни пайсалга солади.

"Бунёд" уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Зайниддин Жумабоевга юзланамиз.

– Ширкатга қарашли 34 та уйда 754 хонадон яшайди, – деди у. – Аҳолининг қарзи 80 миллион сўмга яқинлашиб қолди. Тўловларни вақтида тўлашса-ку, шунча муаммолар келиб чиқмасди. Бу аҳволда биз нима қилиб бера оламиз?!

– 1976 йилда ишлаб чиқарилган битта трактор билан кун кўраяпмиз, – деди ободонлаштириш бўлими раҳбари Талаббой Нуров. – Шунга қарамай, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларига жиддий қараймиз. Мана, баҳор келиши билан 250 туп арча, 150 туп мевали дарахт ва 115 туп терак экдик. Бизга ҳозир ариқ ва зовурларни қазийдиган техника керак бўлаяпти.

Толбулоқдаги бу муаммоларни ким ҳал қилиб бериши керак? Фикримизча, маҳаллий мутасаддилар ишни тўғри ташкил этишса, ички имкониятларни тўла ишга солишса, аҳоли билан тез-тез учрашиб туришса, муаммоларга албатта ечим топилади.

– Электр таъминотидаги узилишлар хорижлик инвесторлар, хусусий тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчилар фаолиятига катта тўсиқ бўлаяпти, – деди Ангрен шаҳар ҳокимлигининг Толбулоқ ва Чиғириқ ҳудудлари бўйича вакили Заюр Жажжиев. – Янги келаётган инвесторлар ҳам бу муаммоларни кўриб, иккиланиб қолишаяпти. Мана, яқинда "Шаҳло-Шуҳрат" цехида 400 дона нон қолипларга солиб, энди пиширишга қўйилганида, электр узилди. Шунча маҳсулот увол бўлди.

Толбулоқда 60 ёшли отахон билан суҳбатлашиб қолдик:

– Илгари бизда ҳаммом бўларди. Бу жойлар хусусийлаштирилгач, бир кун ҳам ишламади, ташландиқ ҳолга келиб қолди.

Толбулоқликларнинг ҳаммомга эҳтиёжини пайқаб, унинг тақдири билан қизиқиб кўрдик. Мутасадди раҳбарлар ва суҳбатдошларимизнинг айтишича, бундан 7-8 йил илгари ҳаммомни "Ҳабиба ҳожи она" корхонаси хусусийлаштириб олган экан. Негадир бир кун ҳам ишламаган. Масалага ойдинлик киритиш мақсадида корхона раҳбари Басибу Пўлатова билан суҳбатлашишга ҳаракат қилдиг-у, аммо иложи топилмади.

Газета сотиладиган киоскалар йўқ. 45-мактаб кутубхоначиси М. Абдураҳмонованинг куюниб айтишича, бу йилга обуна бўлинган газеталарнинг биронта сони етиб келмаган.

Йўлакай бир хиёбонга кўзимиз тушди. 1976 йилда Италия миллий қаҳрамони Федор Политаев номига қўйилган монумент хиёбонга "кўрк" бағишлаб турибди. Қизиқ, ўзимизда ҳайкал қўйишга арзигулик қаҳрамонларимиз, тарихий шахсларимиз йўқми?! Масъуллар шу ҳақда ўйлаб кўришса яхши бўларди.

Кўчаларнинг номи ҳам Толбулоққа мос эмас. "Политаева", "Фрунзе", "Театральная"... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

– Шаҳарчамиздаги учта маҳаллада 11 минг 664 аҳоли яшайди, – деди шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Абдулла Пошшохўжаев. – Муаммоларимиз йўқ деб айта олмайман. Лекин биз ҳам қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ...

Мактабгача таълим муассасалари аҳволи билан ҳам танишдик. "Олтин баликча" боғчасида иситиш тизими умуман ишламайди. Шу сабаб қишда болалар қатнови яхши эмас.

– Боғчамизда ёпиқ сув ҳавзаси бор, лекин ишламайди, – деди мудира Зилола Самадова. – Уни ишлатишга боғчамизнинг имконияти етмайди.

"Чотқол" маданият уйида бўлдик. Биноси таъмирталаб аҳволда. Тўгараклар амал-тақал ишлаб турибди.

– Бино қувурлари фойдаланиш муддати ўтиб кетгани учун чириб, ёрилиб кетган, – деди хўжалик ишлари мудири Лутфулла Абдуллаев. – Устига-устак мусиқа асбоблари етишмайди.

Маданият уйининг орқасидаги боғ қаровсиз аҳволда. Бу ерда бир пайтлар кўркам рақс майдончаси бўлгани шундоққина кўриниб турибди. Лекин ҳозир...

Катталар ва болалар учун қурилган сув ҳавзаларини "фаросатли" фуқаролар ахлатхонага айлантириб олишипти. Бу кетишда яқин кунларда ҳовузлар чиқиндилар билан тўлиб тошиши ҳеч гап эмас.

– Кўчаларимиз ўйдим-чуқур бўлиб кетган, – деди Светлана Салина. – Кечқурунлари ҳаммаёқ қоронғи бўлади. Ёнгинамизда вино-арoқ сотиладиган дўкон очилгани ёмон бўлди. Эрталабдан кечга қадар масталастлар аримайди.

Хуллас, ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Лекин, "Излаган имкон, изламаган баҳона топади", дейишади. Изланиш ва интилиш бўлса, имкониятлар ҳам очилаверади. Толбулоқда ҳам ислоҳотлар самараси бўй кўрсатса, маҳаллий мутасаддиларнинг ишни тўғри ташкил этмаганлиги, лоқайдлиги, беписандлиги туфайли юзага келган муаммо ва камчиликларга тезроқ барҳам берилади. Шаҳар ҳокимлиги бугун Ангренда амалга ошираётган катта ўзгаришлар қаторида бу ҳудудга ҳам бундан буён жиддий эътибор қаратади, деган умиддамиз.









**Хуршида ТУРСУНБОЕВА, Даврон АҲМЕДОВ, Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ЁШЛАРГА ДОИР ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА ОИЛА МАСЪУЛИЯТИ

Ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Соғлом бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Маълумки, ҳар бир оиланинг ҳуқуқлари жамият томонидан қонун йўли билан ҳимоя қилинади, кафолатланади. Лекин оиланинг ҳам жамият олдида ўзига хос мажбуриятлари мавжуд. Мана шу бурч ва мажбуриятларни бажариш учун ҳар бир оила аъзоси жамият олдида масъулдир. Шундай мажбуриятлардан бири оиладаги фарзандлар тарбияси. Ёшларни ҳар томонлама ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий жиҳатдан саводхон, маданиятли, баркамол этиб тарбиялаш ҳозирги кунда оиланинг олдига қўйилган асосий мақсадлардан биридир.

Боланинг билим олиш ҳуқуқи халқаро ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. БМТ томонидан қабул қилинган "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциянинг 28-, 29-моддаларида таълим ва таълимдан кўзланган мақсадларга тўхталган. Унда, бола таълим олиш ҳуқуқига эга ва бунда давлатнинг вазифаси бепул ва мажбурий бошланғич таълимни таъминдан этишдан, ҳам умумий, ҳам касб-ҳунар бўйича ўрта таълимнинг турли шакллари ривожланишини рағбатлантиришдан ҳамда ҳамманинг ўз лаёқатига қараб олий таълимдан баҳраманд бўлишини таъминлашдан иборатдир, дейилади.

БМТнинг аъзо давлати сифатида бизнинг мамлакатимизда ҳам ушбу масалалар ўз ечимини топмоқда.

Дарҳақиқат, болаларнинг таълим-тарбияси давлатимизнинг доимий эътиборида турибди. Мамлакатимизда "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида кўплаб касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар барпо этилди ва замонавий жиҳозланди. Ана шу даргоҳларда ёшларимиз таълим-тарбия олиб, турли касб-ҳунар сирларини ўрганмоқда.

Аммо, ота-оналаримиз бу борада ўз вазифаларини қай даражада бажармоқда?

Ҳамма ота-оналар ҳам вояга етмаган фарзандлари олдидаги мажбуриятларини ҳис этаяптими, деган ўринли савол туғилади.

Олдимизда умумтаълим мактабларининг 9-синфини битираётган ёшларимизни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига қамраб олиш вазифаси турибди. Бунга таълим тизими мутасаддилари билан бир қаторда ота-оналар фаол ва масъулият билан ёндошмоғи лозим. Фарзандларининг қайси касб-ҳунарни ўрганмоқчи экани, қайси ўқув юртига ҳужжатларини топшириши билан қизиқиб, улар билан бирга "Очиқ эшиклар куни", "Касблар фестивали"да ушбу таълим муассасасига бориб, шароитларини ўрганиб келишлари керак.

Ўз ўрнида таъкидлаш керакки, "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодексининг 47-моддасида болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасида мажбуриятларни бажармаслик учун жавобгарлик асослари кўрсатилган. Ушбу моддага асосан, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий-ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши – энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Кўриб турганимиздек, давлатимизда боланинг таълим-тарбияга бўлган ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинмоқда ва билим олиш учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Улардан самарали фойдаланиш ёшларимиз ва ота-оналарнинг ўзларига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ҳар бир жамиятнинг негизини унинг фуқаролари, оиласи ташкил этади. Ҳар бир фуқаронинг тутган ўрни билан давлатнинг қудрати ортади. Демак, ёшларимиз, фарзандлар тарбиясига бепарволик – оилага бепарволик, жамиятга бепарволикдир.

Ёшлар тарбиясида оиланинг ўрни беқиёслиги боис, ота-оналар янада масъулиятли бўлишларига эришмоқ лозим. Шунингдек, ота-оналарнинг фарзанд олдидаги масъулиятини оширишнинг ҳуқуқий чораларини кучайтириш зарур. Шунда, назоратсиз юрган, мажбурий таълим олишдан бош тортаётган айрим ёшларни ва уларнинг тарбиясига лоқайд ота-оналарни яна бир бор ҳушёрликка чақирган бўлардик. Президентимиз таъкидлаганларидек: "Баркамол авлодни тарбиялашдек маъсулиятли вазифани амалга оширишда таълим муассасалари билан оила ўртасидаги амалий ҳамкорликни кучайтириш лозим".

**Раъно ТУРДИБОЕВА,**
**Тошкент давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейи директори, юридик фанлар номзоди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Илк танлов

# НАВҚИРОНЛИК ШИДДАТИ ЯРАШГАНЛАР




Танлов ғолибларини аниқлашда қатор мезонлар асос қилиб олинди. Жумладан, сиёсий ва ижтимоий билим даражаси, касбий маҳорати, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш қобилияти, мукофотлар, фахрий ёрлиқлар ва дипломлар билан тақдирланганлиги, жамоат ишларидаги иштироки ва фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлиги, хориж тилларини ўзлаштиргани, корхонадаги мавқеи, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича меъёрий ҳужжатлар талаблари ва қоидаларини билиш даражаси кабилар. Шунингдек, "Устоз – шогирд" тизимида амалга оширган ишлари ҳамда янги инновацион ғоя, ишланма ва лойиҳалари ҳам инобатга олинди.

Якуний натижаларга кўра, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Истиқбол" қишлоқ врачлик пункти шифокори Моҳинур Маҳаматова "Энг фаол ёш шифокор", янгийўллик Дилором Тошпўлатова "Энг фаол ёш ўқитувчи", Оҳангарон туманидаги 18-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Дилафруз Каримова "Энг фаол ёш тарбиячи" номига сазовор бўлишди. Қибрай туманидаги геномика ва биоинформатика маркази илмий ходими Феруза Бобожонова яхши олималигини намоён этган бўлса, Олмалиқ шаҳар "Сувоқава" корхонаси муҳандиси Сардор Холбоев коммунал соҳа бўйича илғор мутахассислигини исботлади. Энергетик Темур Хожаев ва ҳунарманд Шавкат Юсупов, "Чинобод – Миробидов Дилшод" фермер хўжалиги раҳбари Д. Миробидов ҳам ғолиблар сафидан ўрин олдилар.

– Коллеж ва мактаб битирувчиларини ёғоч ўймакорлигига ўргатадиган мактаб очдик, – дейди қибрайлик ҳунарманд Шавкат Юсупов. – Юз нафардан зиёд ўқувчига мўлжалланган мактабда ўқиш муддати 6 ойни ташкил этади, бунда кам таъминланган оила фарзандларига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқишни якунлаган ёшларга республика "Ҳунарманд" уюшмаси аъзолигига киришда кўмаклашамиз. Бу уларга якка тартибда фаолият бошлашга ёрдам беради.

Танловнинг I босқичи 1-15 апрель кунлари корхона, ташкилот ва муассасаларда, II босқич – 15-30 апрель кунлари туман, (шаҳар) миқёсида ўтказилди. Энди ғолиблар май-июнь ойларида мамлакат босқичида иштирок этишади. Танлов ғолибларига мукофотлар 2014 йилнинг сентябрь ойида ташкил этиладиган "Ёш мутахассислар" республика Форумида тантанали равишда топширилади. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, танлов мукофоти бир шахсга такроран берилмайди.

Шу ўринда айрим мулоҳазаларни келтиришни жоиз деб билдик. Танлов низомига кўра уни ўтказишда қатор ҳамкор ташкилотлар, жумладан, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши ҳамкорлик қилишлари керак эди. Лекин вилоятнинг якуний тадбирида ҳамкор ташкилотлардан ҳеч бир вакил кўринмади.

Низомда 20 та йўналиш бўйича ғолиблар аниқланиши керак бўлган ҳолда негадир вилоят босқичида 9 йўналиш билан кифояланганликнинг сабаби ҳам шундадир балки...

**Хуршида МЎМИНОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Танлов давом этади

# «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2013»

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўтган 2013 йилда мамлакатимиз ўзи танлаб олган ва оғишмай илгарилаб бораётган тараққиёт йўлидан яна бир довон ошди. Мустақиллик деб аталган бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг тобора юксалиб бораётган тафаккури, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орзу-интилишлари маҳсули бўлган ютуқ ва муваффақиятларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан янада кенг эътироф этилди.

Тараққиётнинг ўзбекона йўли, тарих ва истиқбол кесишган чорраҳалар, миллий қадриятларимиз ривожи, халқимиз ҳаётидаги янгиланишлар, хусусан, "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар оммавий ахборот воситалари фаолияти ва журналистлар ижодида устувор ўрин тутди.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти – 2013" танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2013 йилнинг 1 июнидан 2014 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририятлар тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2013" танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар "Йилнинг энг фаол журналисти – 2013" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**Тошкент шаҳри, 100129, Навоий кўчаси, 30-уй.**

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30-, 35-хоналар.**
**Телефонлар: 244-64-61, 244-37-87.**
**www.journalist.uz**

Семинар

# ҲАМКОРЛИК ҚАНДАЙ АҲВОЛДА?

**Чиноз туманидаги Олмазор қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида "Олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари ҳамкорлиги: муаммолар, долзарб вазифалар ва истиқбол режалари" мавзуида семинар ташкил этилди.**

Унда "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида бажарилиши, чорвачиликни ривожлантиришда ветеринариянинг ўрни ва аҳамияти, ипакчиликнинг ҳозирги аҳволи ва ривожлантириш истиқболлари хусусида маърузалар тингланди.

2002 йили очилган мазкур коллежда бугунги кунда 9 та йўналиш бўйича 1528 ўқувчи таҳсил олмоқда. Ўқувчиларда, айниқса, қишлоқ хўжалиги механизацияси, ветеринария, фермерлик каби йўналишларга қизиқиш катта. Бу йил коллежнинг 401 битирувчиси мустақил ҳаётга қадам қўйиш арафасида.





– "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлодга замонавий стандартлар асосида таълим-тарбия бериш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва иқтидорини юзага чиқаришда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда, – деди тадбир иштирокчиларидан бири, биология фанлари доктори Эркинжон Шакартоев. – Ўқувчиларга замонавий ва илғор услубларни қўллаган ҳолда таълим бериш билан бирга келгусида танлаган касблари бўйича иш топишлари ҳақида ҳам қайғуришимиз зарур.

Тадбирда коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш ва касбга йўналтириш борасида Тошкент давлат аграр университети билан ҳамкорликни кучайтириш юзасидан фикр алмашилди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

# ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

**Бугун мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони кун сайин ортиб бормоқда. Бунга, соҳага оид қатор қонун ҳужжатлари асосида уларнинг манфаатлари ҳимоя қилиниб, барча қулай шароит ва имкониятларнинг яратиб берилаётгани сабаб бўлаяпти.**

Тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш баробарида, айрим қонунбузилиши ҳолатлари ҳам учраб турибди. Шайхонтоҳур туман прокуратураси режага мувофиқ, туман давлат солиқ инспекциясида республика Президентининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, текширишларни янада қисқартириш, улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармон ва Қарорлари ҳамда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ижроси юзасидан ўтказган текширувида ана шундай қонунбузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Жумладан, туманда назорат органлари жорий йилнинг биринчи чорагида жами 23 та текширув ўтказишни режалаштиргани ҳолда, амалда 53 та текширув ўтказган. Туман ҳудудий комиссиясидан 30 та хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда 19 та якка тартибдаги тадбиркорни режадан ташқари, қисқа муддатли текширишга рухсат олган. Натижада, фаолиятида камчиликлар кузатилмаган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий манфаатлари бузилган.

Хусусан, туман ДСИ 2013 йилнинг 24 декабрида якка тартибдаги тадбиркор "Д. Б. Солиев"га нисбатан СКнинг 119-моддаси билан 2 миллион 745 минг 900 сўм ва 114-моддасига асосан 120 минг сўм молиявий жарима тайинлаган. Текширишда аниқланишича, жамият томонидан текширув куни НКМ хотирасига кирим қилинмаган 120 минг сўмни банк муассасасига топшириш муддати ўтмаган. Шундай бўлсада, назорат органлари тушумни яшириш деб, қонун ҳужжатларига зид равишда тадбиркор зарарига талқин қилган.

Худди шу каби ҳолатлар якка тартибдаги тадбиркорлар "Адилов М." ва "Т. М. Адилов"га нисбатан ҳам қўлланилгани маълум бўлди. Шунингдек, ўтказилган текширишларда солиқ инспекцияси томонидан якка тартибдаги тадбиркорлардан солиқдан ортиқча тўловлар ундирилгани аниқланди. Хусусан, тадбиркорлар З. С. Пўлатов, У. А. Усмонов, Б. Б. Миркомилов, З. Р. Бобомуротов ва Ж. А. Солиҳовлар аризасига асосан вақтинча фаолиятини тўхтатган бўлсада, З. С. Пўлатовнинг ҳисобида 305 минг 100 сўм, У. А. Усмоновда 324 минг 301 сўм, Б. Б. Миркомиловда 391 минг 345 сўм, З. Р. Бобомуротов 269 минг 117 сўм ва Ж. А. Солиҳовнинг ҳисобида 309 минг 143 сўм солиқдан ортиқча тўловлар мавжуд. Бироқ, солиқ инспекцияси ҳанузга қадар ушбу маблағларни эгаларига қайтариш чораларини кўрмаган.

Юқорида қайд этилган ва солиқ идораларининг фаолиятида юзага келаётган бошқа камчиликлар асосан туман Давлат солиқ инспекцияси айрим масъул ходимлари томонидан ишни талаб даражасида ташкиллаштириш, ўтказилаётган солиқ текширувларини қонунийлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг қонун билан муҳофаза этилган ҳуқуқ ва эркинликларини бузилиши ҳолатларини олдини олиш бўйича етарли идоравий назорат ўрнатилмаганлиги оқибатида юзага келмоқда.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича Давлат солиқ инспекцияси ходимларига нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланган.

**Дилшод СОДИҚОВ,**
**Шайхонтоҳур тумани прокурорининг катта ёрдамчиси.**

ЭЪЛОНЛАР

# ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

"Ўзбекэнерго" ДАКнинг "Тошкент ҳудудий электр тармоқлари" ОАЖ қуйидаги линия назоаратчиси лавозимларига фуқароларни ишга қабул қилади!

**"Янгийўл шаҳар электр тармоқлари корхонаси"га – 25 нафар**
**"Зангиота тумани электр тармоқлари корхонаси"га – 26 нафар**
**"Зангиота тумани электр тармоқлари корхонаси"га – 26 нафар**

**Ишга қабул қилиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. "Тошкент ЭТ" ОАЖ ходимлар бўлимига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчаси (меҳнат дафтарчаси бўлмаган тақдирда жамият томонидан юритилади).*
*5. Кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;*
*6. Яшаш манзилидан маълумотнома;*
*7. Охирги иш ёки ўқиш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома;*
*8. 3х4 шаклдаги 8 дона расм.*

"Тошкент ЭТ" ОАЖнинг қуйи тизимларида мавжуд бўш ўринларига ёши 20 дан 45 ёшгача бўлган, маълумоти ўрта ёки ўрта-махсус бўлган, Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий рўйхатдан турувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ишга қабул қилинади.

Ишга киришни хоҳловчи фуқаролар "Тошкент ЭТ" ОАЖга мурожаат этишлари лозим.
**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 42-уй. Тел.: 150-27-94.**

**"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар СИБ томонидан 24.03.2014 йилдаги №1-12/14-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган, "Ks Ind" МЧЖга тегишли бўлган Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Примқулов кўчасида жойлашган ер участкасининг умумий майдони 41055,95 кв.м., қурилиш остидаги ер майдони 9773,0 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 10989,83 кв.м., асосий бинолар сони 20 тадан иборат бўлган бино-иншоотлар ва 6 хил турдаги дастгоҳлар, яъни 1) Волочильный станок 2 (R.B.D) 8 мм.дан 1 мм.гача.; 2) Волочильный станок 1 (Rolling machine) 16 мм.дан 8 мм.гача; 3) Экструдер (EXTRUDION VACHINE) QLBG-650 №0110/1500N/1-8мм; 4) Медеплавильная печь (UPWARD CUSTING) индукционного типа; 5) Электрическое оборудование (ZWICH ROeli Z020 RESISTOMAT 2316 Burster) тип 2316-V0001, Дизельный генератор (Disel Generator Aksa model APD 550C) бўлган кўчмас мулклар ва дастгоҳлар мажмуа ҳолда қўйилмоқда: Бошланғич нархи – 7 647 230 298 сўм; Тошкент шаҳар Ҳамза тумани СИБ томонидан 24.05.2012 йилдаги №СБ84/12-сонли ҳамда 26.12.2013 йилдаги №10-1312/19444-сонли ижро варақаларига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Жарқўрғон кўчасида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 4679,0 кв.м., умумий майдони 2420,0 кв.м., фойдали майдони 1347,83 кв.м.дан иборат бешта бино ва тўртта иншоотдан иборат кўчмас мулклар қўйилмоқда: Бошланғич нархи – 1 074 813 000 сўм.

Аукцион савдолари 2014 йилнинг 1 июль куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия № 0039.

**"SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Қибрай т. СИБ томонидан 10.03.2014 й. № 2984/9-сонли и.ҳ.га асосан 1990 й. и.ч. "Ваз21063" д.р. 10T233AA. Бошланғич баҳоси – 7035782 сўм. "Бекзод Ягона сервис" Х/К. Омборида сақланмоқда. 2. Қибрай т. СИБ томонидан 28.05.2013 й. № 226/13-сонли и.ҳ.га асосан 2006 й. и.ч. "Нексия" д.р. 01K530MA. Бошланғич баҳоси – 21327336 сўм. "Крономакс Эксклюзив" МЧЖ омборида сақламоқда. 3. Қибрай т. СИБ томонидан 05.06.2013 й. № 237/13-сонли и.ҳ.га асосан 1999 й. и.ч. "Дамас" д.р. 10902НАА. Бошланғич баҳоси – 12931340 сўм. ЎзР ФА Генетика институти омборида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 11 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000600274144001, МФО 01103, СТИР 302757392. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси (мулк) қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Тафаккур 1-тор кўчаси, 2-уй, 1-хонадон. Телефон/факс: (871) 2155459. Гувоҳнома № 007558.

Тошкент ВХСнинг 2014 йил 1 майдаги 11-1404/3722-сонли ҳал қилув қарори билан Зангиота туманидаги "SHERDOR NON FAYZ" хусусий фирмаси ва 2014 йил 22 майдаги 11-1435/3696-сонли ҳал қилув қарори билан Чирчиқ шаҳридаги "AMBIOS RATIONAL" МЧЖ банкрот деб топилди. Ушбу ташкилотларнинг юридик ва бухгалтерия ҳужжатларини ўрганиш давомида аниқланишича, уларнинг думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлигини билдирамиз.

**Суд бошқарувчиси.**

Олмазор тумани ТСРЎИ томоидан рўйхатга олинган "LAZZAT-MUROD" (ИНН 200650476) хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айлантирилишини маълум қилади.

"SHOUMAROVLAR" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "SHOUMAROVLAR" масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги томонидан 2006 йил 7 апрелда 2754 реестр рақами билан рўйхатга олинган "CHIRCHIQ FAYZ OMAD" хусусий фирмаси шу ном билан ташкилий-ҳуқуқий шаклини масъулияти чекланган жамиятга ўзгартиришини маълум қилади. Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Чирчиқ шаҳри, Конструкторлар даҳаси, 1-уй манзилида ёки (8370) 712-93-78 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Зангиота тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "GLOBAL TRANS QURILISH MONTAJ" хусусий корхонаси ташкилий-ҳуқуқий шакли "GLOBAL TRANS QURILISH MONTAJ" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилганлигини маълум қилади.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 2002 йил 20 февралда рўйхат рақами 10-000194 билан рўйхатдан ўтган "YAKUB-OTA OSHYONI" (ИНН 203858450) хусусий корхонаси (Юнусобод тумани, Гуллола кўчаси, 1-уй) 2014 йил 23 майдаги 1-сонли таъсисчи қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани, Гуллола кўчаси, 1-уйда қабул қилинади. Тел.: 512-52-76.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 2011 йил 11 августда 006909-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган "IDEAL AVTO GRAND" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 301716239. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Киев 3-йўналиш кўчаси, 82-уй) 2014 йил 26 майдаги 1-сонли мажлис баённомасига асосан ТУГАТИЛАДИ. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Киев 3-йўналиш кўчаси, 82-уйда қабул қиланиди.

Зангиота туманидаги "AVTOTRANSPORT VA MEHANIZATSIA BOSHQARMASI" МЧЖнинг устав фонди 40.642.538,70 сўмдан 40.415.713,70 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади.

Зангиота тумани ТСРЎИ томонидан 2012 йил 30 ноябрда 4177 реестр рақами билан рўйхатга оинган "LUCKY PRINT" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 302431103) **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99894) 408-28-95 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "MERIDIAN TEMPO " МЧЖ устав фонди 79 205 000 сўмдан 59 205 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади. Тел.: 288-29-29.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2012 йил 11 октябрда Маматов Алишер Шодмонович номига берилган № 2390 рақамли адвокатлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "DOKTOR NE BOLIT" (ИНН 205858379, ОКОНХ 71212), зарегистрированное ИРСП Юнусабадского района г. Ташкента за реестр.№ 001479-10 от 28.10.2005г. сообщает о своей реорганизации путём присоединения к ООО "BIORITM INVEST" (г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район). ООО "BIORITM INVEST" является правопреемником по всем правам и обязанностям ООО "DOKTOR NE BOLIT". Тел.: (+99895) 170-20-74.

Маънавият

# ТУБАНЛИК БОТҚОҒИГА БОТМАНГ

Мен унга ажабланиб қарадим.

– Ишдан кела солиб, боғдаги юмушларга унnaйсиз, қўшни аёллар ҳам тинмайди. Мева теради, ўтин йиғади, девор сувайди, молга қарайди... Аммо маҳаллангиздаги баъзи эркакларга қойил қолмадим. Ҳув, сойга қаранг, ҳар икки қадамда эркаклар чордана қуриб олиб, пивохўрликми, ароқхўрликми қилишади. Ҳар куни шу аҳвол. Ёши катта акалар ўғли қаторилар билан теппа-тенг уриштириб, ичиб ўтиришади. Ахир, ерларингиз кенг, қирларингизга қараб одамнинг суқи киради. Бу ерларда истаганча чорва боқса ёки ажойиб боғлар яратса бўлади. Бу баҳаво, салқин жойлардан кетгим келмай қолди. Ҳар қаричини боғ қилгим келади. Кўз қўрқоқ, қўл ботир, – деб қолди.

Менга Ғайратжоннинг гапи ботди, аммо эътироз билдирмадим. Чунки ҳар куни ишдан қайтаётиб, дала ҳовлига юқорилар эканман, сой оралаб қўлтиғига бир-икки шишани қистирганча кетаётган танишларимни кўраман. Улар тоғни урса талқон қилгудек йигитлар. Кеч кириши билан сой бўйида "маънавий ҳордиқ" чиқаришади. Ёши улуғларини кўриб, изтиробга ботаман. Улар келинлари ва набиралари олдига маст ҳолида кириб боришларини кўз олдимга келтириб, орланиб кетаман.

Шифокорларнинг фикрича, ичкиликка муккасидан кетганлар, ичмайдиган одамлардан ўртача 15-20 йил кам умр кўришар экан. Уларнинг фақат тўртдан бир қисми 50 ёшдан кўпроқ ҳаёт кечириши мумкин. Бу ҳол меҳнатга ярокли аҳоли сонининг кескин камайишига олиб келади. Энг ёмони, болаларидан оғуни афзал кўрган ароқхўрлар кайфу сафога берилиб, ташвишларини унутишлари уларнинг оила аъзоларига беҳад қимматга тушади. Болаларнинг тинчи бузилади, оиладан барака қочади.

– Фарзандларимиз ўсмирлик ёшида ҳар томонлама ўзгарадилар, – дейди вилоят наркология диспансери бош шифокори Насиба Ҳайитқулова. – Бунга беэътибор бўлсак, ундаги қизиқишлар доирасига ичкиликни "татиб кўриш" ҳам кириб қолиши ҳеч гап эмас. Аслида ичкиликка берилиш ана шундай қизиқишлар натижасида ҳосил бўлади. Ўспиринлар бир-бирларига тақлид қиладилар. Ўғил бола отасидан андоза олади. Шу боис ўзини ҳурмат қилган ота ва боболар ўғил фарзандлари олдида ичкиликдан тийилишлари лозим. Акс ҳолда, боланинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатиб, унда ичкиликка мойиллик уйғотиб қўйишлари мумкин. Диспансерда ўз хоҳиши билан даволаниб чиққан беморлар уч йил мобайнида соғломлаштириш марказларига жўнатилади. Ичкиликни ташлаш кўпроқ беморнинг ўзига боғлиқ. Агар у ҳаёт тарзини тўғри йўлга қўйишни астойдил истаса, ўзгаради. Ичкилик ичишда давом этса, бундан-да ёмон фалокатларга рўпара бўлади. Ачинарлиси, ён-атрофидагилар олдида ҳурматини, мавқеини йўқотиб бораверади. Ўз соҳасининг устаси бўлсада, ичкиликни канда қилмас экан, на ўз ўрнини топади, на мавқеини тиклайди.

Ичкиликка нима учун ружу қўядилар? Шахснинг ҳаёт тарзи тўғри йўлга қўйилмагани, тиббий маданияти, савиясининг пастлиги, носоғлом муҳитда тарбия топгани, ирсияти, ижтимоий келиб чиқишига қараб, касалликни биологик, физиологик, психологик ҳолатларга бўлиш мумкин, – дейди яна бир суҳбатдошимиз вилоят наркология диспансери ташкилий-услубий бўлим мудири, олий тоифали мутахассис Гулбаҳор Шоисматова. – Ичкиликка берилган кишини тўхтатиш осон кечмайди. Чунки, у ўзини ҳар томонлама руҳий ҳимоялашга ўтади, яъни нимага ичаётганига доим жавоб топишга уринади. Ҳамма ичаяпти-ку, дея тазйиқдан қутулиш учун турлича сабабларни қидиради, ўзидаги мойилликни сира тўхтата олмайди. Мойиллик мия марказида ҳосил бўлиб, у бошқа аъзоларни бошқаради, ичувчи фақат тезроқ ўзини сиқиб келаётган хоҳишни қондириш, кайф қилишни ўйлайди. Ана шу мойиллик миянинг марказий қисмини эгаллаб, босимни кучайтириши оқибатида шахсни инқирозга, бефарқликка ҳамма нарсадан: ҳатто оиласидан, жамиятдан ажралиб қолишига олиб келиб, уни буткул инқирозга юз тутишга маҳкум этади. Инсон учун ҳеч ким бўлиб қолишдан даҳшатли яна нима бор?! Бизнинг соҳамизда бемор 1 нафар бўладими, 1000 нафарми, у барибир бемор. Унинг ортидан келадиган фалокатларнинг олдини олиш эса ҳам касбий, ҳам инсоний бурчимиз. Афсуски, ароқхўрликка берилганлар фақат эркаклармас, уларнинг орасида ёшлар, аёллар ҳам бор.

Ичкиликбозлик – ҳар қандай кишининг ҳам соғлиғига путур етказувчи, нене оилаларни бузувчи, келажак авлод саломатлигига зиён келтирувчи даҳшатли офат. Зеро, буюк немис адиби Г. Гёте таъкидлаганидек: "Инсоният агар бу қадар сархуш бўлмаганида эди, ақл бовар қилмас ютуқларни қўлга киритишга қурби етарди". Ичкиликбозлик жуда кўп хасталикларга "пойдевор" вазифасини ўтайди. Жинсий йўл орқали юқувчи касалликларнинг 90 фоиздан зиёдроғи бадмастлик пайтида юқтирилар экан. Ичкилик туфайли қанчадан-қанча ёш оилалар пароканда бўлиб, тирик етимлар сони ортмоқда!

Тушкунликка тушишнинг асосий сабаби қаноат ва шукроналик туйғусининг йўқолиб, маишат ва бойлик ортидан қувиш одатий тусга кирганлигидадир. Шукроналик, сабр-қаноат мавжуд жойда ҳаловат қарор топиб, ортиқча сиқилиш, нохушликка асло ўрин қолмайди. Ичкилик ичиб, оилада, одамлар орасида ўз шахсини инқирозга элтиш ва ўзлигини унутиб яшаш – тубанликдан ўзга нарса эмас!

**Нигора ШОФАЙЗИЕВА.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Китоб жавонингизга

**Ҳамкасбимиз, устозимиз Шавкат Қулибоевнинг камтарин, камсуқум, хоксор табиати, ижодкорларга хос самимийлигини дўстлари, яқинлари ҳам эътироф этишлари рост. Буни қўлимиздаги мўъжазгина, янги "Омонмисиз, жон қушлар?!" китобини ўқиганда яна бир бор ҳис этдик. "Китоб – кўнгил ойнаси" деб бежиз айтилмаган. Мутолаа баҳона, салкам 70 ни қоралаб қўйган Шавкат Туробнинг кўнгил мулкига саёҳат қилдик.**

# «ОМОНМИСИЗ, ЖОН ҚУШЛАР?!»




Дарҳақиқат, ўзи каби содда, самимий ҳикоялари муаллифнинг сурату сийратидан дарак бериб турибди.

"...Мен фақат яхши одамлар орасида улғайиб, ўсдим. Уларнинг марҳаматлари, авайлашлари, беминнат ёрдамлари туфайли шу даражага доҳил бўлиб турибман".

Атрофдагиларни фақат яхши сўзлар билан таърифлаш, хотирлаш ҳам маънавий оламнинг бойлигидан далолат. Шавкат Туробнинг кўнгил кечинмаларида эзгулик нурланиб тургандек: у одамларга фақат яхшилик истайди, ғийбату иғводан сақланишга чорлайди. Бор нарсаларни қадрлашни, Ватанни, истиқлолни улуғлаб, авайлашни маслаҳат беради.

"Номингдан, аъмолингдан айланай она Юртим! Менинг зувалам сенинг эзгу хислатларинг, яхшиликларинг, сахий тупроғинг қатрасидан узилган бўлса не ажаб! Бугун сенинг истиқболингни, истиқлолингни қаламга олиб, довруғингни эл узра ёйиш мен сингари фарзанду аржумандларингга насиб қилгани рост бўлсин!"

"Истиқлол манзаралари"даги бу сатрлар ортиқча изоҳ талаб қилмайди. 23 йил давомида мустақиллик неъматларини баҳоли қудрат эл узра ёйиб келаётгани ҳам бор гап. Янги китоб фикримиз далили. Зеро, истиқлол неъматлари ҳар қандай ишқли, дардли юракни тўлқинлантириши, ижодга ундаши табиий. Лекин унинг қадрини ўз нафси билан ўлчайдиганлар ҳам йўқ эмас. Китобда келтирилган ибратомуз воқеа тафсилоти шундай: Боқимандаликка ўрганиб қолган бир одам раисга мурожаат қилаяпти:

– Раис бова, бир ҳафта бўлди, қозонни сувга ташлаб қўйганмиз, ёрдамингизни аямасангиз, бизда ҳам қолиб кетмас...

Раис синалмаган меҳмон олдида бир ҳол бўлганини яширолмади... Бир чеккада бу воқеани кузатиб ўтирган қария бош чайқаб қўйди, бўлмади чоғи, баралла сўзланди:

– Учта паҳлавон ўғлинг бор-а, уларни ишга солсанг бўлмайдими, шундай дориламон замонда оч қоладими киши? Эй, садқаи сар одам...

Мазкур воқеага нисбатан муаллифнинг муносабати ҳам бу тоифа одамларга бир сабоқ бўла олади:

"Баъзи одамлар борки, ўтмишни қўмсаб юради. Давлат мени, болаларимни боқади, деб ўйлайди. Аммо, мен давлатга нима бердим, унинг оғирини енгил қилишга қандай ҳисса қўшдим, деган саволни ўзига беролмайди..."

Мустақиллигимизнинг илк йилларида ёзилган "Ватан ягонадир, Ватан ягона" мавзуидаги чиқишлар янги китобга киритилгани бежиз эмасдек. Ахир, шу кунларимизда ҳам Ватан қадрини ҳис этиш, англаш учун зарур бу сўзлар. Муаллифнинг одамийликдан сабоқ берувчи ҳикоялари ҳам китобхонни бефарқ қолдирмайди, табиатга, атроф-муҳитга, одамларга, жонзотларга, умуман борлиққа меҳр-муҳаббат, оқибат туйғуларини шакллантиради: "Омонмисиз, жон қушлар?!", "Булбул ноласи", "Қушлар ороми", "Ёнаётган дарахт", "Тасалли", "Тазарру", "Армон", "Чироғи ёниқ хонадон". Шунингдек, "Ёдномалар" қисмидан ўрин олган қатор ҳикоя, лавҳалар, хотиралар одамийлик фазилатлари билан қалбларга яхшилик уруғини қадаган меҳри дарёларга бағишланган: "Юракларни забт этган шоир", "Қайғуриб яшамоқ одамзотга хос", "Кейин эслаб юрарсиз", "Яхшиларни авайлаб яшади", "Кимдир елкасини тутган йўлимда" ва бошқалар.

Қисқаси, муаллиф таъбири билан айтганда, "мўъжазгина" рисолада каттагина ҳаётий сабоқ борлигини таъкидлаш жоиз. Турфа одамлар, феъл-атворлар ифодаланган ҳар бир ҳикояда шоир ва журналист Шавкат Туробнинг маънавий олами, инсоний қиёфаси акс этиб тургандек бўлади.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**ЭЪЛОН!**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги 322-сонли қарорининг 3-бандига асосан "Маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ амалий ишларни молиявий таъминлашда тадбиркорлик имкониятларидан кенг фойдаланиш, бунда боғ ҳудудидаги ерларни (намунавий лойиҳада кўзда тутилган тақсимотга риоя этган ҳолда) аттракционлар, савдо ва умумий овқатланиш шахобчалари қуриш учун танлов савдоси асосида тадбиркорларга ижарага бериш" тўғрисида кўрсатиб ўтилган.

**Шунга асосан Оҳангарон тумани ҳокимлиги инвестиция киритиш шарти билан Оҳангарон шаҳар "Хонобод" маданият ва истироҳат боғини узоқ муддатли шартнома асосида ижарага бериш учун:**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Танловда қатнашувчи тадбиркорлар томонидан ҳужжатлар ўрнатилган тартибда туман ҳокимлигига тақдим қилиниши сўралади.

**Мурожаат учун телефонлар: 645-55-51, 645-23-46.**

***Оҳангарон тумани ҳокимлиги.***

# МАҲАЛЛАДА СПОРТ БАЙРАМИ

**Инсон ҳаёти жуда қисқа, аммо у энг буюк ғоялар учун яратилган. Бу инсоннинг аҳамиятсиз нарсалардан узоқ бўлишини, энг муҳим мавзу ва ғоялар учун жон фидо қилмоғини тақозо этади. Савоб иш ҳар бир кишининг оёғи остидадир, уни териб олмоқ инсоннинг ўзига боғлиқ.**

Ангреннинг "Обод" маҳалласида яшаган Маматали Эшмуродов хотирасига бағишланган мусобақа турнири йиғилганларга ушбу ҳақиқатни яна бир карра эслатиб ўтди.

Маматали Эшмуродов бутун умрини кондаги машаққатли меҳнатга сарфлаб, нафақага чиққач, маҳаллага оқсоқоллик қилди. Кам таъминланган оилалар, қаровсиз қолган ёлғиз қарияларни мунтазам йўқлаб турадиган бу инсон кўп китоб ўқирди. Уни янги чиққан бирор асарни назаридан четда қолдирмаганини фахрий кутубхоначилар ҳурмат билан эслашади. Маданиятли, вазмин ва мулоҳазали оқсоқол ҳар бир ишни адолат мезонида қилишга ўрганган, танишбилишчиликни хушламас, ҳаммани тенг кўрарди. Лекин, Маматали отани оғир дард ва фарзанд доғи орамиздан эрта олиб кетди. У ўзининг эзгу амаллари, самимийлиги ва савоб ишлари билан одамлар қалбида илиқ хотиралар қолдирди.

– Мен оқсоқолни ҳурмат билан эслайман. Ундаги азму шижоат, чуқур билим, камтарлик, инсонийлик фазилатлари ёшларимизга мерос бўлсин, – дейди тадбир ташкилотчиларидан бири Омонбой ака Сафаров. – Камолиддин ва Ҳусниддинлар ушбу тадбирни ўтказиш тўғрисида таклиф киритганида, рости, бошим кўкка етди. Биз, шундай жафокаш инсонларнинг ворисларимиз, ахир. Ўтганларни ёд этиш, уларнинг азиз номини хотирлаш инсонийлик бурчимиз.

"Суҳбат" чойхонасидаги хотира турнирига болажонлар билан бирга, маҳалла оқсоқоллари, спорт мухлислари, ота-оналар ҳам таклиф этилди. Дастурхонга ош ва нозу неъматлар тортилиб, кексалар дуоси олинди. Қизғин баҳсларда болажонлар шахмат-шашка бўйича тенгдошлари билан ўзаро куч синашишди. Болажонларнинг завқини кўрган оталар ҳам беихтиёр ўйин иштирокчиларига айланишди.

Хотира турнирини ташкиллаштиришда Маматали аканинг яқинлари Камолиддин ака Пусурмонов, Омонбой ака Сафаров, Эркин ака Эшмуродов, Абдумутал ака Душаев ва айни пайтда отасининг изидан бориб, шу маҳаллага раислик қилаётган Ҳусниддин Эшмуродовлар жонбозлик кўрсатдилар. Уларнинг ҳомийлиги остида 41-, 43-умумтаълим мактаблари, Ангрен автоматика ва сервис коллежида таълим олаётган 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ўртасида шахмат-шашка беллашуви ўтказилди. Шахмат бўйича коллеж ўқувчиси Азизбек Тошбоев 1-ўринни, Сирожиддин Алиқулов 2-ўринни, шашка бўйича 41-мактаб ўқувчиси Илҳом Облоқулов 1-ўринни, Аслбек Худойбердиев 2-ўринни, Шамсиддин Жўланов ва Жамшидбек Раҳмоналиевлар эса 3-ўринларни эгаллашди. Ғолиблар диплом, пул мукофоти ҳамда спорт анжомлари билан тақдирландилар.

**Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.**



*Мана, мактабларда ўқув йили якунланди. Болажонлар ёзги таътил давомида уларни бағрига чорлаб турган сўлим оромгоҳлар, истироҳат боғларида ҳордиқ чиқариб, дам оладилар. Соғлом бола йилининг қувноқ ёзи вилоятимизда ҳар йилгидан ўзгача, мароқли ўтиши шубҳасиз. Зеро, бунга дахлдор барча мутасадди ташкилотлар ўз бурч ва масъулиятларини ҳис этиб, пухта тайёргарлик кўриб қўйишган.*

Жиноятга жазо муқаррар

# ЎЗ НАФСИНИНГ ҚУЛЛАРИ...

**Ҳаётда ён-атрофингдагиларга бирор нафинг тегмаганига яраша, зиёнинг ҳам етмасин экан. Киши қилаётган ишининг нафақат ўзи, балки ўзгалар ҳаётига зомин бўлишини била туриб, нафси йўлида жирканч манфаатларни кўзлар экан, вақти келиб тегишли жазосини олиши тайин. Жиноят ишлари бўйича Қибрай туман судининг очиқ мажлисида кўрилган жиноий иш тафсилотлари бу фикрнинг айни ҳақиқатлигини яна бир бор исбот этди.**



Абдуқодир Нишонов ва Баҳодир Бурлибаев нафақат шахс, балки бутун жамиятга зиёни тегадиган кимсалардир. Ишининг тайини йўқ Баҳодирга нисбатан илгари ҳам қилган жинояти туфайли 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. Бироқ, амнистия туфайли авф этилганди. Афсуски, берилган имкониятдан ўз ўрнида фойдаланмай, яна такроран, қолаверса, оқибатини била туриб унданда жирканч ишларга қўл урди.

Абдуқодирнинг ўтмиши ҳам Баҳодирникидан қолишмасди. У содир этган жинояти учун ўн йилга озодликдан маҳрум қилинганди. Шу муддат давомида у ҳам берилган имкониятларнинг асл моҳиятини англаб етиш, қолган умрини оиласи бахти ва келажагига сарфлаш ўрнига яна номига ўчмас доғ туширди.

Хўш, бу кимсалар қандай жиноят кўчасига кирган эдилар?

Афсуски, юқорида таъкидланганидек, уларнинг қилмишлари нафақат инсонлар ҳаёти, балки жамият учун ҳам зарарли эди. Бу икки шахс қўшни Тожикистондан турли айланма йўллар орқали олиб кириладиган гиёҳвандлик моддаларини Қозоғистонга олиб ўтиш жараёнида воситачи бўлиб "хизмат" қилишган.

Абдуқодирнинг қилмишлари шунчаликка етдики, бир сафар Бўка тумани, Бахмал қишлоғидаги далаларнинг бирида келишилган жиноий режага асосан Қозоғистонга қайта контрабанда қилиш мақсадида 3 килограмм "героин"ни қабул қилиб олиб, Қибрай туманидаги Улуғбек шаҳарчасида жиноий шериги Баҳодирга етказиб берди. Баҳодир эса уни бошқа шеригига етказди. У орқали оғу қўшни республикага ўтказиб юборилди. "Мол" эгасига етиб боргунга қадар айрим кимсаларни гаровга олиб туришган. Маҳсулот қўшни республикага етиб боргач, гаровдаги шахс қўйиб юборилган. Қарангки, жиноятчилар фақат шахсий автомобили бор кишиларни алдаб, машиналаридан фойдаланишган ва оғу манзилга етгач, уларни тирик товон тариқасида жиноий шерикларига бериб юборишган.

Ажабки, кўза чил-чил синган кунида киши ширин ҳаётининг қадрига етиб қоларкан. Суд мажлисида Баҳодир ва Абдуқодир хатоларини тушуниб етганлари ва оилавий шароитларини важ қилиб, енгилроқ жазо тайинлашларини сўрадилар. Бироқ, қатор гувоҳлар берган кўрсатмалар ва тўпланган бошқа далиллар орқали уларнинг жинояти тўлиқ исботини топди. Суд ҳайъати уларнинг ғаразли ниятларда бойлик орттириш мақсадида ўта оғир жиноят содир этганларини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, ҳар бирига 15 йилдан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

**Мурод ҲАМИДОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
**Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**e-mail:** th.tp@mail.ru

**Телефонлар:**
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Бекзод ҲИДОЯТОВ**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-1. Адади 15624. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.45.